
Навбатдаги яхши хабар: Фарғонада 2 нафар коронавирусга чалинган бемор соғайди

Фарғонада ҳам илк бор икки нафар бемор бутунлай соғайиб, реабилитацияга кузатилди.

Бу ҳақда Соғлиқни сақлаш вазирлиги [маълум қилмоқда](#).

Эътиборли жиҳати, коронавирус инфекциясига чалинган беморлар тузалаётган худудлар географияси кенгайиб бормоқда.

Жумладан, Фарғона вилоят юқумли касалликлар шифохонасидан ҳам коронавирус инфекциясига чалинган 2 нафар бемор бутунлай соғайди. Улар вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси масъуллари иштирокида реабилитацияга кузатилди.

Тузалганлардан бири (аёл) Андижон вилоятидан, иккинчиси (аёл) эса Тошкент вилоятидан бўлиб, жорий йил 25 март куни Туркиядан Фарғонага чартер рейси билан келишган ва карантинга олинган. Уларда 27 март куни коронавирус инфекцияси тасдиқланган. Ушбу беморлар шифокорлар томондан халқаро стандартлар асосида олиб борилган тўғри даволаш муолажалар туфайли айни пайтда дарддан тўлиқ фориғ бўлишди.

Дарҳақиқат, коронавирус инфекциясига чалинган беморларни даволашда тиббиёт ходимлари жасорат ва фидойилик намунасини кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. Оиласи, яқинлари, халқимиз учун ишда қолиб, коронавирус инфекцияси тарқалишининг олишга ҳаракат қилишмоқда. Бу каби ватанпарварликни 200 дан зиёд махсус карантин ва тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган минглаб тиббиёт ходимлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Эслатиб ўтамиз, мамлакатимиз бўйлаб коронавирус инфекциясидан жами 70 нафар бемор тўлиқ соғайди.

Фото: ЎзА

2020-04-13 16:30:45